

**Дин ишлари бўйича қўмита томонидан 2024 йилда амалга
оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2024 йилда диний-маърифий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек соҳага доир ишлаб чиқилган йиллик режа ва дастурлар ижроси тўлиқ бажарилди.

Ўтган йилнинг **15-16 октябрь** кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида **“Ислом – тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон ва **22** та хорижий давлатдан **200** нафардан ортиқ диний соҳа ходимлари иштирок этди.

16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб **11-16 ноябрь** кунлари Тошкент шаҳрида ва республиканинг барча ҳудудларида **Бағрикенглик ҳафталиги** доирасида бир қатор маданий-маърифий

ва илмий-амалий тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

Ҳафталик доирасида 132 нафар давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари **“Диний бағрикенглик”** кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳисобот даврида диний-маърифий соҳа фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида **1 та** Ўзбекистон Республикаси Қонуни, **4 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва **8 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Шунингдек, мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда **“Жаҳолатга қарши маърифат”** билан курашиш энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотларининг **954 743** нафар раҳбар ва ходимлари, **44 625** нафар тадбиркорлар, **6 415** нафар хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, **119** та олий таълим муассасаси ва **79** та касб-хунар мактабларининг **146 250** нафар талаба ва педагоглари, **10 750** та умумтаълим мактабининг **678** минг нафар мактаб ўқувчилари иштирокида **“Жаҳолатга қарши маърифат”** билан курашиш бош ғояси асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тизим ташкилотлари билан ҳамкорликда **мутаассиблик, радикал ғоялар ва экстремизм** руҳидаги ахборотларга қарши **10 171 та** (*4 664 та видео, 3 954 та мақола, 900 та аудио, 653 та инфографика*) **раддия** мазмунидаги материаллар тайёрланиб, тарқатилди.

Малака ошириш маркази ва унинг филиалларида **2 676** нафар давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар-ходимларининг малакаси оширилди.

Бугунги кунда республика бўйича **2 145** та масжид фаолият юритмоқда, 2024 йилда **14 та янги масжид** давлат рўйхатидан ўтказилди, **64 та** масжидда тубдан қайта қуриш ҳамда **17 та масжидда** таъмирлаш ишлари якунланди.

Айни пайтда республикада **198 та** ноисломий диний ташкилот фаолият юритмоқда. 2024 йилда Жиззах вилоятида **1 та** янги диний ташкилот – **Евангель христианлари черкови** давлат рўйхатидан ўтказилди.

Конфессия вакилларида жами **76 та** интервью олинди, телевидениеда конфессиялар фаолиятига тааллуқли бўлган **12 та**, интернет саҳифаларида **53 та** материал эълон қилинди, конфессиялар вакилларида **15 та** халқаро ва **38 та** маҳаллий даражадаги учрашувлардаги иштироки таъминланди.

Ҳисобот даврида Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда тизим ташкилотлари вакиллари, ўзбекистонлик исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг **486 та** диний-маърифий соҳага оид **халқаро** тадбирлардаги **иштироки таъминланди**.

Дин ишлари бўйича қўмита раҳбариятининг **12 та** хорижий ҳамкорлар билан қатор учрашувлари ташкил қилинди. Уларда республикада диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотлар ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

2024 йилги Ҳаж мавсуми ва Умра зиёрати юқори савияда ташкил этилди. Хусусан, **15 150** нафар зиёратчи май-июль ойларида Ҳаж амалларини, **13 860** нафар зиёратчи январь-декабрь ойларида Умра амалларини адо этди.

Буюк алломаларимиз бой илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида **12 та** альбом-проспект, китоб, рисола, брошюра ва флаерлар чоп этилди.

Шунингдек, 2024 йилда Қўмитага келиб тушган **1 477 та** мурожаатдан **1 108 таси**га ҳуқуқий маълумот берилди, **298 таси** ижобий ҳал қилинди, **36 таси** (*диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларда қўрсатилган камчиликлар сабаб*) рад этилди, **19 та** мурожаат тегишлилиги бўйича ваколатли давлат органларига йўналтирилди, **16 таси** бўйича ўрганиш жараёни давом этмоқда.